



Постма

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 28 август, пайшанба • 35 (3511)-сон

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ МУБОРАК!

Ички ишлар идораларининг барча ходимларини, Ички ва Қоровул қўшинларининг ҳарбий хизматчиларини, таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва курсантларини, шунингдек, хизмат вазифасини ўташ чогида юртимиз мустақиллиги ва эл-юрт тинчлигини ҳимоя этиб ҳалок бўлган ходимларнинг оила аబзоларини, ички ишлар идоралари фаҳрийларини юртимиз мустақиллигининг 12 йиллиги байрами билан табриклайман.

Сизларга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат,

мамлакатимизда тинчлик-осойишталикини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, қонунчилк ҳамда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдек масъулиятили ва шарафли хизматларингизда муваффақиятлар тилайман. Хонадонингизни қут-барака, тинчлик-хотиржамлик асло тарк этмасин.


Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.



Не кунларни кўрмадим мен,
Висолинг догоғида
Не қурбонлар бермадим мен,
Хаёт-мамот сўроғида.

Юрак-бағрим шайлаб турдим,
Белбоғимни бойлаб турдим.
Келишингни пойлаб турдим,
Умидимнинг чироғида.

Энди туман кетаверсин,
Юртим байрам этаверсин.
Қолган умрим ўтаверсин
Хур кунларин қучоғида.



УШБУ СОНДА: ОСОЙИШТАЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

«Шу кунларда юртимизда мустақиллигимизнинг 12 йиллигини кенг нишонлашга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда яшётган ҳар бир миллат, элат, турли соҳа вакиллари ушбу кутлуг айёмни муносиб кутиб олиш учун бор куч-гайратларини аяшмайтири...»

3

ОҲУҚҮЗ ҚИЗ ТАҚДИРИ

«Олдиндан тайёрланган рўйхат бўйича учинчи ўринда: «Хўжаева Вилоят, 16 ёшда, Файзулла Хўжаевнинг қизи, 9-синфда ўқиди, 2-Оққўргон тор кўчаси 5-ўйда яшайди» деб мухрланган эди. Ушбу рўйхат беҳуда тузилмаганингизни хукм сифатида ёзилган куйидаги хуласадан ҳам билиш мумкин...»

4

«ЎЗКИТОБ» ТАҚДИМ ЭТАДИ...

«Яна саноқли кунлардан сўнг янги ўқув йили эшик қоқиб, мактаблар болалар билан гавжумлашади. Фарзандларига ҳали керакли ўқув қуроллари олишга улгурмаган ота-оналар яқин ўртадаги дўёнклар ҳамда мактаб бозорларига шошишади...»

13

«БУ ЙЎЛЛАР КЎП ҚАДИМ ЙЎЛЛАРДИР...»

«... Йўл-транспорт ходисалари ўтган йилга нисбатан бир мунча камайди. Ҳайдовчи-лар асосан рулада ухлаб қолишлари туғайли йўл-транспорт ходисалари содир этишган....»



15

Иннингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа ранг-баранг материаллар билан танишасиз.

Хабарлар, воқеалар, янгилликлар

ДҮСТОНА ВАЗИЯТДА

25 август куни "Халқаро турмалар ислототи" ноҳукумат ташкилотининг Баш котиби Вивиен Стерн республика ИИБ Жазони ижро этиш Баш бошқармасига ташриф буюрди.

Мехмонга мазкур ташкилотниң Марказий Осиёдаги ваколатхонаси минтакавий директори Вера Ткаченко, Лондондаги Баш оғиси дастурлари мувофиқлаштирувчиси Леонора Лов, "Марказий Осиё турмаларида соғлиқни сақлаш" лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси Гулнора Калиакбирова ва бошқалар ҳамроҳлик қилишди. Уларни республика Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий, ошкора сұхбат чоғида Вивиен Стерн мамлакатимиз пенитенциар тизимида юз берётган ижобий ўзғаришлар, хусусан маҳкум ва маҳбусларга тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланиб бораётганидан хабардорлиги, бундан мамнунлигини изҳор этди. Р. Қодиров ўз навбатида маҳкумларнинг маший яшаш шароитини яхшилаш, уларни ихтимоий фойдали меҳнатга жалб

етиш, иш ҳақи билан тъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Ўзаро сұхбат чоғида жазони ижро этиш муассасалари ходимлари ва маҳкумлар ўртасида муносабатлар масаласи ҳам тилга олинди. Мониторинг, тренинг, семинарлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш анъана тулага киргани, натижада пенитенциар тизим ходимларининг психологиясида ўзғаришлар юз берётгани қайд этилди. Бунда тизимнинг оммавий ахборот востилаши, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлиги, ўзаро ошкора мулоқот ҳам катта аҳамиятга эга бўляти. Ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров бундан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар давом этишини таъкидлади.

Шундан сўнг меҳмонлар ички хизмат подполковники М. Якунина раҳбарлик қилаётган жазони ижро

етиш муассасасида бўлиб, у ерда маҳкумларнинг яшаш, ишлаш шарт-шароитлари билан танишилар. Куннинг охирида Тошкент шахрида тергов хибсоналаридан бирига ҳам бориши.

Эртаси куни делегация аъзоларини республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенантни Б. Матловов қабул қилди. Мехмонлар республика ички ишлар идораларининг асосий фаолият йўналишлари билан танишилариди. Бунда асосий эътибор диний экстремизм ва терроризм, гиёхандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш масалаларига қаратилди.

Мехмонлар қатор жазони ижро этиш муассасаларига ташрифлари чоғида олган таассуротларини гапириб бердилар. Улар маҳкумлар ва маҳбусларнинг сақланиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, хуқуқларини химоя қилиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича фикр ва мулҳазаларини баён этдилар. Қабул самимиев вазиятда ўтди.

Ўз мухбиришимиз.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Маҳбуслар ва маҳкумларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, жаҳон стандартларига мослаш мақсадида мамлакатимизда кўп ибратли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, шу йил республика Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг кўшма буйрукларига кўра жазони ижро этиш муассасаларида соғлиқни сақлаш муаммолари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган эди. Куни кечакенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда жазони ижро этиш муҳокама қилинди. Коғозистон Республикаси Админалитетининг вазирлигига жазони ижро этиш кўмитаси Тиббийёт бошқармаси бошлиги М. Ахметов бу борада ўз

ри муҳокама қилинди. Коғозистон Республикаси Админалитетининг вазирлигига жазони ижро этиш кўмитаси Тиббийёт бошқармаси бошлиги М. Ахметов бу борада ўз

мамлакати тажрибаси ҳақида гапириб берди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров, республика Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д. Асадов, "Халқаро турмалар ислототи" ноҳукумат ташкилотининг Баш котиби В. Стерн, ЕХХТнинг Тошкентдаги Маркази раҳбари А. Эрозон, қатор халқаро ташкилотларининг вакиллари ва бошқалар қатнашилди. Мажлис сўнгиди муҳокама қилинган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, тегиши қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиришимиз.

ХИЗМАТГА ШАЙ

Хар йилги анъанага кўра Мустақиллик байрами арафасида республика ИИБ Марказий аппаратида ва вазирликнинг жойлардаги идораларида саф кўриклари ўтказилди. Тадбир якунлари ҳақида республика ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиги, милиция подполковники Б. Буксинбаев жумладан шундай деди:

— Саф кўрги чоғида шахсий таркибининг хизмат кийимлари, зарур экипировка билан таъминланганлиги, сафда юриш кўнкимлари текши-

рилди. Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмаларида бундан ташқари автотранспорт, алоқа воситаларининг шайлигига ҳам эътибор берилди.

Барча ишлар идораларида жанговар, хизмат ва маҳсус тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилди. Машғулотлар чоғида ходимларнинг билим ва кўнкимлари мустаҳкаманди. Саф кўриклари чоғида аниқланган барча камчиликлар бартараф этилди.

Ўз мухбиришимиз.

БАЙРАМОЛДИ ТАДБИРЛАРИ



НУКУС. Коракалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида мустақиллигимизнинг 12 йиллигини тантанали равиша ўтказиш мақсадида қатор тадбирлар режалаштирилди. Тантана олдидан ИИБ фахрийлари, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оиласлари, бемор ва ногиронларнинг ҳолидан ҳабар олинди.

ИИБ ўкув марказининг янги биноси ва вазирликда фуқаролар учун қабулхона куриб битказилди. Нукусда шаҳар ИИБ қарашли иккита янги милиция таянч пункти ишга туширилди. Вазирликнинг спорт саройи янгитдан таъмирланди.

Байрам куни ички ишлар ходимлари ўртасида волейбол, бокс, кураш ва миллий ўйинлар бўйича мусобақалар ўтказилади.

Ж. ОТЕНИЯЗОВ,
ички хизмат майори.

ТЕРМИЗ. Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини муносиб кутуб олиш учун Ватанимизнинг жанубий сарҳадлари бўлган Сурхондарё вилоятида ИИБ тизимида аниқ режалар ишлаб чиқилган. Ташкилий-амалий ишлар орасида "Антитеррор", "Тозалаш", "Арсенал" каби тадбирларнинг натижаси яхши бўлди. Тадбирларга милиция ходимларидан ташқари деярли етти юз нафарга яқин маҳалла пошибонлари, кўплаб жамоат ташкилотлари аъзолари, транспорт воситалари жалб этилди. Тадбирлар давомида 114 та жиноят очилди. Гиёхандлик билан боғлиқ 24 та ҳолат аниқланди. Масалан, деновлик, ҳеч қаерда ишламайдиган, Ш. Марҳабо 202 грамм герони гиёхандлик моддасини сотаётганда кўлга олинди. Денов шаҳри Н. Сафаров кўчасида яшовчи X. Мели гумондор сифатида ушланганда унинг ёнидан конституцияий тузумимиз-

га қарши чақириклар ёзилган варақалар олинди. Паспорт-виза режимини бузган, фуқаролиги бўлмаган 2480 нафардан ортиқ шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди.

Тадбирлар давомида асосий эътибор ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларни келтириб чиқараётган сабабларни аниқлашга қаратилмоқда.

Хар бир фуқарони ҳушёриккага даъват этишимиз натижасида аҳоли фаоллиги ошди. Эндиликда уларнинг ўзлари ИИБ ходимларни билан астойдил ҳамкорлик қилмоқдалар.

И. ҚАЛҚОНОВ,
милиция полковники.

ТОШКЕНТ вилояти ИИБ хизмат вазифаларини ўташ чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига байрам тухфасини тақдим этди.

Йигилгандарга вилоят ИИБ ходимларининг эл-юрт тинчлиги ва осойиштарилиги сақлаш бўйича олиб бораётган ишлари акс этирилган видеолавҳа намойиш этилди.

Сўзга чиқсанлар ҳалок бўлганларнинг 110 нафар мактаб ёшидаги ўғил-қизларига оталари каби ватангана муносиб фарзандлар бўлиб вояга етишларига тилак билдирилар.

Мархум, милиция капитани "Жасорат" медали соҳиби М. Абдуллаевнинг умр йўлудиши Роҳатой Абдуллаева бошқарма раҳбарияти томонидан кўрсатилётган фамхўрликлар учун миннатдорчилик билдирилар.

Шундан сўнг раҳбарият ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан ҳар бир болага ажратилган маддий ёрдам ва ўкув куроллари йигфаси топширилди.

Йигилиш туман ҳокими, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати X. Ҳакимов очди. Шундан сўнг туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковники В. Бўтаев "Огоҳлик – масъулиятдир" мавзууда маъруза қилди.

Шунингдек, Ҳакан қишлоғи Дарҳон маҳалласи фуқаролар йигини раиси И. Мамажонов, Бобур номли ширкат ҳўжалиги хотин-қизлар кўмитаси раиси Р. Раҳимова, Кўнжи қишлоғи Дўстлик маҳалла пошибонлари сардори Т. Собировлар сўз олиб, кун тартибида масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилар.

Ж. ТУРДИЕВ.

ЖИЗЗАХ. Мустақиллик байрами арафасида Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти вакиллари Жиззах шаҳри ва туманларда яшовчи 50 нафарга яқин фахрий, ногирон, бокувчисини йўқотганлар ҳамда хизмат даврида ҳалок бўлганлар хонадонида бўлиб пул ва кимматбаҳо совғалар топширилди.

Б. БЕГИМҖУЛОВ.

ОГОҲЛИК ЗАМИРИДА ОСУДАЛИК БОР

Вилоятимиз ички ишлар идоралари ходимлари юртимиз мустақиллигигининг 12 йиллигини муносиб кутуб олиш учун турли учрашувлар уюштироқмадалар. Бундан ташқари шаҳар, туманлардаги гавжум жойлар, бозорларга ҳушёриккага даъват этивчи эслатма-афишалар тарқатилди.

Маҳаллалардаги профилактика инспекторлари эса ички ишлар идоралари профилактик ҳисобида турувчи шахслар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб бориши мөнда. Жинотят содир этишга мойил бўлган кимсалар устидан назорат кучайтириб, қингир ишга кўйл уришларининг олдини олиш чоралари кўрилаёт.

Яқинда Ургут туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу ҳудудда яшовчи И. Н. кўкнор ширавасини 90 минг сўмга сотаётганда ходимларимиз томонидан қўлга олинди.

Текширишларда 1042 нафар ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, 353 нафар қайддан ўтмасдан, 258 нафар шахсини тасдиқловчи ҳужжатсиз яшайтирилди, 3 нафар виза муддати ўтган ва 23 нафар визасиз кириб келган фуқаролар аниқланниб, уларга нисбатан тегишилчи чоралар кўрилди.

С. МЎМИНОВ,
милиция подполковники.

Хуқуқ-тартибот посбонлигиди

ОСОЙИШТАЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Шу кунларда юртимизда мустақиллигимизнинг 12 йиллигини кенг нишонлашга кизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат, элат, турли соҳа вакиллари ушбу кутлуг айёмни муносиб кутиб олиш учун бор куч-ғайратларини аяшмайтири. Ўз навбатида ички ишлар ходимлари ҳам ўз бурчларини аъло даражада ўташ учун бор имкониятларни ишга солишшайти.

Байрам кунлари мамлакатимиз худудидаги тезкор вазиятини назорат қилиш, жамоат тартибini саклаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳалқ тинчлиги ва осойишталигига эришиш, мавжуд куч ва техник воситаларни марказлашган тартибида бошқарилишини таъминлаш мақсадида ички ишлар идораларида тезкор штаблар фаолият юритмоқда. Асосий вазифа пойтахтимиз, вилоятлар,

шахар ва туманлар марказларида ўтадиган байрам тадбирлари га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш мобайнида оммавий тартибсизликлар юз беришига йўл кўймаслик, турли жиноят ҳаракатлар содири этилишининг олдини олишидир. Бунга эришиш учун республика Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавкулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда амала оширилиши лозим бўлган кўшимча ташкилий ва амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижро этиши учун худудий ички ишлар идораларига юборилди.

Мустақиллик байрамини Тошкент шаҳрида ўтказиш бўйича республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Дастур асосида жамоат тартибини саклаш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида патруль-пост нарядларининг кўшимча пост ва патрулик йўналишлари ишлаб чиқилиди. Мавжуд йўналишларга ўзгаришилар киритилди. Бундан таш-

Мана, мустақиллигимизнинг 12 йиллигини нишонлаш арафасидамиз. Истиқлоннинг ilk йилларида ёк унга шубҳа билан қараганлар парокандалик, инқироз ва тубанликка юз тутишимизни кутганилар. Эндиликда орзулари саробга айланадиганидан ўзларини қўярга жой топа олишмаяти. Улар не қилиб бўлса-да, зарба бериш пайди.

Бироқ республикамиз миқёсида олиб борилаётган кенг кўламли тадбирлар, хуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фуқаролар билан ҳамкорлиги бу ёвуз кучлар йўлига гов бўлмоқда. Беш кўл баравар бўлмаганидек, вилоятимизда турли диний оқим таъсирига мойил шахслар йўқ эмас. Халқимиз азалдан ишонувчан, таъсиран, ҳар қандай динни ҳурмат қилувчи ҳалқ. Гоҳида бу хислатлар ўз зарарига эканлигини унтиб ҳам қўяди. Олиб борилаётган тарбибот-ташвиқот, тушунтириш ишларига қарамай, тўғри йўлни топа олмай соҳта диндорлар тўрига илиниб қолаётганилар йўқ эмас. Шу йилнинг ўзида ўндан ортиқ шундай шахслар хисобга олиниб, тушунтириш ишларни олиб борилди. Бироқ қанча сайд-ҳаракатларга қарамай, онги заҳарланиб ултурган уч киши жавобгарлики тортилди.

Вилоят ИИБ ходимлари диний экстремизмга қарши курашда ташкилий, профилактика, амалий ва тезкор тадбирларни чуқур таҳлиллар асосида ташкил этишишмоқда. Шундай тадбирлар натижасида Оқ олтин тума-

маётгани, бундайларнинг турмуш тарзи ва алоқаларида бехабарлиги ташвиши ҳолдир. Лоқайдилк ва беларволик эса ўзларини "оллоҳнинг элчилари" деювчи шахслар таъсир доирасининг кенгайишга имкон яратиши табиий.

Оқ олтин тумани "Обод", "Собиробод" маҳаллаларида хисобда турувчи Ю. Э., И. О., Р. М., Б. Ҳар билан зарур тушунтириш ишлари олиб борилмагани, назорат ўрнатилмагани боис улар "Хизбут-тахрир" диний экстремистик оқимига мансуб Раҳматулло исмли шахснинг хонадонида тез-тез йиғилиб сабоқ олишган. Бу ерда эгаллаган билимларни кенг кўламда тарғиб этишган. Б. Ҳ. ҳатто мажбуран сингилларини ҳижобга кириган. Бу ҳақда қўни-қўшини, маҳалла-кўй, айниқса, фаолларнинг билмаслиги мумкин эмасди. Ҳолбуки сингилларнинг норозилиги туфайли хонадонда келишмовчиликлар бўлган. Бунга на хотин-қизлар кўмитаси, на бошқа мутасаддилар таъсир чорасини кўллашмаган.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Тинчлигимиз ўз кўлимида эканлигини бир дакиқада унугтаслигимиз, фарзандларимизни ҳам шу рӯҳда тарбиялашимиш лозим. Шунда орамизда ватанфурушлар, биродаркушлар бўлмайди.

**М. РАЖАБОВ,
милиция подполковник.**

Миннатдорчилик
ОФАТ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Шу йил 6 июль куни Қашқадарё вилоятидаги Янги Қоратепа газ кони майдонидаги 2-қудукда ёнгин содир бўлди. Узбекистон Республикаси ИИБ ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти шошилинч чоралар кўриб, ёнгинни ўчиришга ёрдам бериш учун вилоятга катта куч ва техника ўйлайди. Вилоят ИИБ ёнгин ходимлари би-

лан ҳамкорликда кўрсатилган жасорат ва маҳорат туфайли офат қисқа вақтда бартараф этилди. "Ўзбекнефтгаз" компанияси томонидан вазирликка ўйлланган хатда ёнгинни ўчириша фидойилик кўрсатган ИИБ ёнгинни ўчиришга ёрдам бериш учун вилоятга катта куч ва техника ўйлайди. Вилоят ИИБ ёнгин ходимлари би-

шош этилиб, 647 нафар қидириуда бўлган шахслар қўлга олини. Диний-экстремистик оқимларга мансуб шахслардан конституциявий тузумга зид мазмундаги адабиёт ва варақалар олини, уларнинг тўрт нафари жиноят иши кўзатиди, 70 нафари эса маъмурӣ жавобгарликка тортилди. Шунингдек, майдада безорилик, ташмачилик, жамоат жойларида спиртили ичимлик истеъмол қилинган, йўл ҳаракати қоидаларини бузган, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ва бошқа хукуқбазарликларга йўл қўйган фуқароларга ҳам қонуний чоралар кўрилди. Бу борадаги ишлар давом этирилмоқда.

Хозирда республика худудидаги тезкор вазиятини назорат қилиш, жамоат тартибини саклаш ва жиноятчиликка қарши курашга қаратилган "Антитеррор", "Тозалаш", "Арсенал" каби кўплаб кенг қамровли маҳсус тадбирлар кучайтирилган тарзда ўтказилмоқда. Шу ўринда бир неча рақам келтирсан. Тадбирлар давомида ички ишлар идоралари томонидан 16 та ўшган жиноят гурӯх аниқланди, 14та ҳолат бўйича жиноят иши кўзғатилди. 2350 тага яқин жиноят

Р. АШИРМАТОВ,

республика ИИБ ППХ ва ЖТСББ бошлигининг биринчи ўринbosари, милиция подполковники.

ҲАРБИЙЛИК ФАҚАТ ЙИГИТЛАРГА ХОСМИ?

Ҳар қандай қасбнинг ўз машаққати, қийинчиликлари бор. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугунги кунда Қуролли Кучларда асосий эътибор шартнома асосида хизмат қилаётган хизматчиларни, Ватан ҳимоясига шай асл юрт фарзанди қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли бизнинг ҳарбий қисмимизда йигитлар қаторида турли лавозимларда аёллар ҳам хизмат қилиб келишшайти. Ҳа, албатта четдан назар солган киши бу йигитларга хос иш дейиши турган гап: Аммо шуни эсдан чиқармаслигимиз керакки, Ватан ҳимояси барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу туйғу олдида биз аёллар ҳам бош эгамиз. Бу касб ҳар қадамда Тўмарис каби кўрқмас аёлларимизни эслатиб туради. Қишининг совуғи, ённинг жазира маисига қарамай, биз ҳам барча ҳарбий хизматчилар қатори она юрт хизматига шаймиз. Қисмимизда 10 нафар хотин-қизлар хизмат қиласди. Бир-бirimiz билан аҳил

ва иноқмиз. Машгулларда доимо бирга қатнашамиз. Ўзаро сұхбатларимиз кўпинча соҳамиз мавзусида бўлади.

Хозирда ёзги ўқув мавсуми давом этяпти. Ўқув йили якунлари жанговар шайлигимиз ва хизматимизга қандай ёндашганимизни кўрсатиб берадиган ойна. Энг севимли машгулотимиз қуролдан ўқ отишдир. Албатта, яхши баҳони ҳам қўлга киритамиз. Баъзан йигитларимиз бунинг сири нимада деб сўрашиди.



Жавобимиз битта – ҳамма ўз мажбуриятига вижонан ёндашса, барча қийинчиликлар ортда қолади. Ватанга муҳаббат кишини зафарларга ундаиди.

**Гули ТОШЕВА,
оддий аксар.**

«ТОЗАЛАШ»ДА АНИҚЛАНДИ...

Айни пайтда республикамида "Тозалаш" маҳсус тезкор-профилактик тадбири ўтказилмоқда. Кучайтирилган тартибда хизмат олиб бораётган ходимларимиз ушбу кенг қамровли тадбир давомида икки мингдан зиёд жиноятни иссиғида фош этишиди.

Жиноят содир этиб, жазодан қочиб юрган шахслардан 530 нафари ушланди. Гиёхшурушилк билан боғлик бўлган 511 та ҳолат аниқланниб, жиноятчилардан 88 килограммга яқин гиёхшандлик маддаси олини.

Масалан, Тошкент шаҳар Сирғали тумани "Дўстлик - 2" мавзесида жойлашган автобуслар бекатида 1967 йилда туғилган Л. М. ушлан-

ниб текширилганда унинг ёнидан 1 килограмм 468 грамм марихуана топилди.

Сурхондарё вилоятининг Денов тумани Ш. Раҳимов кўчасида яшовчи, ишламайдиган М. Ш. хонадонида 202 грамм героинни 1 миллион 616 минг сўмга сотаётганда ушланди.

Ходимларимизнинг сайд-ҳаракатлари туфайли бедар йўқолган фуқаролардан


"Паспорт-виза" тизими ўналиши бўйича хонадонлар, дала ҳовлилари, кўп қаватли улар, ёткоҳоналар, корхона, ташкилотлар, меҳмонхоналар текширилмоқда.

**Ш. РЎЗИЕВ,
ИИБ ҲООББ ходими,
милиция майори.**

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Пойтахтимизнинг хушманзара гўшасида қад ростлаган, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмунининг узвий қисми бўлмиш "Қатағон қурбонлари хотираси музейи"да бўлганимисиз? Музейнинг сокин залида кезиб, ҳокисор ва меҳнаткаш ўзбек халқининг ноҳақлик, зулмга қарши бош кўтаргани – Жizzax, Андижон, Тошкент, Тўйтепадаги қўзғолонлар ҳақидаги маълумотлар билан танишганмисиз? 1936-37 йиллар сургундаги ўзбекларнинг фарзандлари Херсон вилоятидаги ўзбек мактабининг 1-битирувчилари бўлганидан хабарингиз борми?

МАНГУ БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР



Ўзбек халқи етмиш йил истибодд қуллигida яшади. "Хой дўстлар, тилимиз, динимиз, эркимиз қани?" деган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир, Фози Юнус, Элбек, Ибрат, Тавалло, Бобохун Салимов каби минглаб эрк излаган инсонлар – ўзбекнинг илм, фан, маърифат, маданият осмонидаги юлдузлар бугун музейдаги сарфайган суратлардан жимгина сизу бизга термулиб турибдилар.

"...1930 йиллардаги қатағон, 1937-38 йиллар совет давлати тарихига қонли йиллар сифатида халқа қарши ўтказилган мислсиз

жабр-зулмлар ва хунрезликлар йили сифатида киради.

Совет давлати худди шу йилларда ўзининг файриинсоний ва файри демократик моҳиятини намойиш этди...

Бутунrossия фавқулодда комиссияси – ВЧК ташкил этилган 1917 йилнинг декабридан 1939 йилгача ўтган даврда йўлда 450 минг киши устидан жиноят иши қўзғатилди. Шу даврда кўплаб кишилар қисқа муддатда қамалиб, жазо муддатини ўтаганларни ёки айбисзилларни исботлангандан кейин озод этилди. 1937-39 йиллардаги катта қата-

ғон даврида уларнинг барчаси қайта қамоққа олинди.

II жаҳон уруши бошланиб, душман мамлакат ичкарисига кириб кела бошлиши билан бу маҳбусларнинг қарий ҳаммаси ваҳшиёна равишида қириб ташланди. Шунинг учун ҳам 1937-38 йиллар мустабид тузумнинг қонли тимсоли бўлиб қолган. Шу йилларда халқ душмани сифатида фан, маданият, маориф, халқ ҳўжалиги, транспорт, соғликини сақлаш, қишлоқ ҳўжалиги ва яна кўплаб бошқа соҳаларда хизмат қилаётган минглаб кишилар қатағон қилинди...

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг эрк, озодлик дея қурбон бўлган минглаб фарзандларининг бегуноҳ руҳи юртимиз узра кезмокда. Қатағон қилинганлар хотираси шу улуғ юртнинг ҳар бир ўғлони шуурига Ватан эрки, шону шұхратини эъзозлаш, асрар-авайлаш Ватан ва унинг озодлиги қадрига этиш туйгуларини сингдирмоқда.

– Болалигимда суви ваҳима солиб оқувчи Бўзсув бўйида, Алвости кўприк ёнларида тенгкурларим билан кўй боқардим, – дея эслайди филология фанлари доктори, профессор С. Мирвалиев. – Кўприк ёнидаги жарликка қарашга кўрқардик. Сабаби, баъзан тунда қарсиллаб отилган милтиқ овози эштилар, кундузи келганимизда чала кўмилган жасадларга дуч келиб қолардик. Эндиликда бу ерда қад ростлаган ёдгорлик ўша мудхиш дамлар акс этган музей халқимизга Ватан эрк-мустақиллик қанчадан-қанча қурбонлар эвазига келганини эслатиб туриди. Бу ўлда қурбон бўлганларни доимо ёд этиш авлодларимиз олдида турган муқаддас бурч эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Зеро, эрк, Ватан дея жон бергандар номи доимо қалбимизда ва биз уларни ҳамиша хурмат, эҳтиром ила тилга оламиз.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ОҲУҚЎЗ ҚИЗ ТАҚДИРИ

Олдиндан тайёрланган рўйхат бўйича учинчи ўринда: "Хўжаева Вилоят, 16 ёнда, Файзула Хўжаевнинг қизи, 9-синфда ўқиди, 2-Оққўрғон тор кўчаси 5-ўйда яшайди" деб мухрланган эди. Ушбу рўйхат беҳуда тузилмаганлигини хукм сифатида ёзилган куйидаги хуносадан ҳам билиш мумкин. Қора рўйхат сўнгидаги Файзула Хўжаев оиласи аъзолари, ҳатто акаси Ибод Хўжаевнинг 4,7,9,10,12 ёшли ўғилқизларининг тақдиригача ҳал этиб кўйишган эди:

"Хибсга олинажаклар: 1) Петрова,
2) Хўжаева Малика,
3) Хўжаева Вилоят.

МХК даги болалар тарбияси муассасаларига юборилажаклар: 1) Хўжаева Муслима,
2) Хўжаев Бўри,
3) Хўжаев Эрик,
4) Хўжаева Мұхтарам,
5) Хўжаева Маҳбуба".

Кўп ўтмай НКВД ходимлари оиласининг рўйхатда кўрсатилган барча аъзоларини қамоққа олдилар.

Отаси Файзула Хўжаев 1937 йилнинг 9 июлида Москва мөхмонахоналаридан бирида ("Метрополь") хибсга олингунича Вилоят баҳтли қиз эди. Ҳужжатлар орасида унинг якка тушган сурати сақланиб қолган. Чакнаб турган қоп-кора кўзларини отаси, онаси, бувисидан мерос олган Вилоят худди охудек бокиб туриди. Ўн олти ёшли, қалби орзуларга лиммо-лим тўла, ўқиш-ўрганиш учун барча имконларга эга, моддий таъминланган, Вилоятнинг умри қамоқда – азобда ўтди. Файзула Хўжаевга фарзанд бўлишилик унга аввал қанчалик баҳт-саодат, қувонч баҳш этган бўлса, кейин шунча азоб, баҳтиқароликка ҳам дучор этди, буни сўз билан търифлаш қишин.

Вилоятга, кекса бувиси Райҳон Хўжае-

ва ва онаси Малика Хўжаевага бир хил айб кўйиши: "Отаси (ўғли, эри)нинг аксилинқилибий фаолиятидан хабардор бўла туриб, буни ҳокимият органларидан яширган". Собиқ СССР Марказий Ижроия Кўмитасининг 1934 йил 8 июндаги қарорида "Хоиннинг балофат ёшидаги оила аъзолари, хиёнат содир этилган пайтда у билан бирга яшаган ёки қарамогида бўлганилар беш йилга Сибирнинг узоқ ўлкаларига бадарга қилинади ва сайлов хукуқидан маҳрум этилади" деб ёзилган.

Орзулари чамандек очилаётган Вилоятни ва онаси Малика Хўжаевани шу қарорга асосан хибсга олиб, Қозогистондаги лагерлардан бирига сургун қилдилар. Бемор онасини даволаш, боқиши керак, хуллас, ёш қиз икки киши учун ишлашга мажбур эди. Гўзал уйларда, гўзал орзулар оғушида кечган ўн олти йиллик умрни бирдан қора зулмат, ваҳима тўла азобуқубат, ҳўрлик, кимсазликка алмашиши... Бунга осонликча чидаш, қўникиш мумкини? Севимли отаси отилган, қариндошлари тақдирни номаълум, дардманд, ғуссага тўла онасидан бўлак ҳеч кими йўқ. У энди кечаги кувноқ, эрка қиз эмас, бошига синов тушган, елкасига азоб юкланган, хўрланган Вилоят эди. Кунлари шу зайлда ўтаверди. У бир зум бўлсин ўзини айбдор санамас, Москвага кетма-кет хатлар йўллаб, ўзини, онаси ҳибсдан озод этишларини сўрарди.

Озодлик ва Ватан Вилоятнинг буюк армони бўлиб қолганини унинг Берияга ёзган аризасида ноладек янграйди: "1938 йилда озод этилганимдан сўнг Тошкентдаги пойафзал фабрикасига

ҳисобчи бўлиб ишга кирдим. Лекин 1938 йилнинг 21 октябрида яна қамоққа олиндим. Шарқий Қозогистон вилоятининг Уст-Каменогорск шаҳрига, илгари табели бўлиб ишлаган еримга – "Иртишстройга" юборилдим, қидирав гуруҳида ишчи бўлиб ишладим... Ҳозир Бородулико қишлоғидаман. Уст-Каменогорскда оила қурган эдим. Эрим Иртишгэсстройда геодезист бўлиб хизмат қилади. Мен бу ерга келганимдан бери на ишга кира оламан, на яшашга жой топа оламан...

Ёшим ўн саккизда. Үқишни, Ватанимга фойдам тегишини истайман".

Ота-онасининг уйида эркин, баҳти яшаётган бегуноҳ бир қизни балоларга гирифтор этган совет тузуми Вилоятнинг арз-додини эшитмади, аксинча, шафқатизларча жазолади. Онаси Малика Хўжаева эса ҳаётдан умидини узиб, озиб-тўзиб, руҳан эзилиб, 1953 йили сургунда вафот этди. Вилоятнинг бу ёруғ оламда тортмаган азоби қолмади. У Тошкентга ҳам жисман, ҳам маънан қарип, орзу-умидлари чил-чил синиб, бутунлай бошқа Вилоятга айланаб қайтган эди.

Ҳарбий суд ҳайъати 1965 йил 6 марта куни (Файзула Хўжаев отилганидан 27 йил кейин) унинг ишини тўхтатди – у оқланган эди. Бундан кўринадики, Вилоятнинг отаси иши юзасидан айбланиши асосиз, зулм ва зўравонликдан бошқа нарса эмас эди.

Ҳар нарсанинг интиҳоси бўлгани каби, Файзула Хўжаев оиласи мисолида ги унтилмас, аччиқ хотираларни бугун – мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги боис яна эсга олдик, узоқ йиллар махфий сақланган ҳақиқат билан юзмай бўлдик.

Ражаббой РАУПОВ.

икки нафари пенсияга чиқди. Тоҳиржон эса "Хизмат кўрсатган участка нозари" нишонига эга. Қиргули тумани аҳоли уни яхши билади ва хизматидан мамнун.

Ҳозирда ўғилларимнинг томорқасидаги ишларга қараши турибман.

Ҳалол меҳнат қилиш, ўз касбига садоқатли бўлишга ҳаракат қилган одамларни халқ ҳурмат қилаверади. Барча милиция ходимлари ўз касбларига садоқатли бўлишларини тилайман, – дейди отахон.

М. КИМСАНБОЕВ.

БИР ИСМ ТАРИХИ

да маориф мудири бўлиб ишлаганлар. Замонанинг зайли билан ёшлигимизда зиёлилар ҳам ҳадик билан яшашар эди.

Дадамнинг дўстларидан бири "Сиз юқори лавозимдаги одамсиз, ғанимлар пашшадан фил ясашлари мумкин, ўғлингизнинг исмини ўзгартирганинг маъқул" деб маслаҳат бериди. Қаранг, бегуноҳ Акмал Икромовнинг қатл этганлари етмағандек, одам-

лар фарзандларига унинг исмини қўйишга ҳам чўчишар экан. Ҳуллас, 4-синфда ўқиётганимда дадам исмимни немис коммунисти номи билан атай бошлаган. Шукр-ки, мустақиллигим туфайли ноҳақ қораланган қанча одамлар оқланди.

Ўн нафар фарзандим, 37 невара ва бешта чеварам бор. 1959 йили ҳарбий хизматдан келганимдан кейин акамнинг

маслаҳати билан вилоят ИИБда ишлай бошладим. Кейин Марғилонда фаолият юритдим. 25 йилдан кўпроқ милициядаги ишлаб, нафақага чиқдим. Бу йиллар давомида оддий милиционерликдан шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиги даражасига кўтарилидим.

Уч ўғлим менинг касбимни танлаб, эл-юрт осойиштаги йўлида ҳалол хизмат қилиб,

УЧНИСИ + TV VOLAM

«Постма» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

1945 йил баҳорида собиқ Иттифоқ ҳарбий қисмларидан бирида 21 ёшли Игорь исмли катта лейтенант хизмат қиласарди. Күп ўтмай бу ерга телефончи қызы – Катя келди. У энди 18 га кирган эди. Икки ёш тезда топишиши. Ҳадемай уруш тугагач қандай баҳтли ҳаёт кечиришлари ҳақида режа тузиши. Аммо тақдирнинг ҳукми бўлак экан. Фалаба кунларигача яшаш фақат Игорга насиб этди.



УДУНЁДАН КАЙТГАН ҚИЗ

– Мени қандай топдинг? – сўради Игорь ҳамон ҳаяжонини босолмай.

– Ахир отанг “Ленфильм” киностудиясининг монтаж устахонасида ишлашини айтган эдинг-ку! Шунинг учун Ленинградга келишим билан тўғри киностудияга йўл олдим.

– Қаёдан келдинг? – деди Игорь сўрашга сўради, саволидан ўзи хижолат чекди. Қизни уйига бошлаб келди. Относи ҳам нима дейишга ҳайрон эдилар. Йигит бир нарсага аниқ ишонч ҳосил қилди – қиз ким бўлишидан қатъи назар Катяниң онги, руҳи унда музассам эди.

Киз Игорнинг уйидаги иккун турли, кейин кетиш тараддулага тушди. Игорь айриликка бошқа бардош бера олмаслигини англаб қиздан ўзига турмушга чиқишини сўради.

– Буни ўзим ҳам хоҳлайман, – деди қиз хўрсиниб. – Лекин иложи йўқ. Менинг ҳали паспортим ҳам йўқ. Иккимидан, сен бошқа Катяни севсансан. Мен унга ўхашшага ҳаракат қилим, холос.

Киз сумкасидан бир неча фотосурат олиб Игорга узатди. Улар ҳақиқий Катяниң суратлари эди.

– Агар чиндан ҳам менинг кимлигимни билмоқчи бўлсанг, бизнинг юр. Отонамнинг олдига борамиз. Улар ҳаммасини сенга тушунтиришади, – деди қиз.

... Аслида воқеа бундай бўлган эди. 1954 йилнинг апрели. Новгородлик 17 ёшли Надя


кўшни синфдаги Гоша билан дўстлашиб қолади. Бир куни Гошанинг отаси узоқ муддатли хизмат сафарига кетганида, йигит Надяга кажавал мотоциклда айланни келишини таклиф қилди. Гоша отасининг гаражда турган мотоциклининг калити қаердалигини ҳам яхши биларди.

У оғир мотоциклни амаллаб кўчага олиб чиқди. Моторини ўт олдириб, қизни орқадаги баланд ўринидикка ўтқазди. Йўлда ўзини кўрсатиш учун тезликни ошири. Натижада бошқарувни йўқотиб кўйди. Кўрқанидан четга сакради. Мотоцикл йўл ёқасидаги дарахтга урилди.

Ўзининг аҳволи ҳақида катта лейтенант Игорга хабар бериларини сўраб, унинг ҳарбий қисми манзиларини айтди.

Шифокорлар ҳангманг бўлиб, ота-онаси чакиришиди. Лекин Надя уларни ҳам, синфи дош дугоналарини ҳам танимади. Ойнадаги ўз аксига кўзи тушиб: “Ахир, бу мен эмасманк!” – деда бақириб юборди.

Бир неча кундан сўнг Надянинг аҳволи анча яхшиланди, руҳшунослар унинг феъл атвонида бирор ўзгариш пайқашмади. Шунинг



Кейинроқ Катяниң онаси оила даврасида Надя гарчи жисман ўзининг қизи бўлмаса ҳам, руҳан фарзанди эканини тан олганди. Бу жумбоқча бир пайтлар Игорь билан Катя хизмат қилган қисм командири бўлган майор ойдинлик кириди. У ҳамманинг гапини дикқат билан тинглаб, Надядан алоқа техникаси бўйича имтиҳон олди. Қиз нафақат синовдан муваффақиятли ўтди, балки бошқа хизматдошларининг исм-шарифларини ҳам эслади. Охирида эса майордан Игорнинг тақдирни ҳақида сўради.

Майор Игорнинг тириклиги, Ленинградда яшаётгани, қиз истаса уй манзилини аниқлаб беришни айтди. Аммо Надя севгилисими ўзи топишини айтти, Катяниң онаси билан Калинин шаҳрига келди. Ўз уйини, хонасини, буюмларини таниди. Ленинградга бориш олдидан Катяниң бир неча фотосуратини олди. Воесанинг қолгани эса сизга маълум.

Катяниң ота-онаси марҳум қизлари бошқа қиёфада бўлса ҳам қайтиб келганидан хурсанд эдилар. Надяниң яқинлари ҳам шодилкларини яширишмасди. Улар вақти-соати келиб қизларининг хотириаси тикланишига ишонишарди. Ҳар иккиси оила-дагилар қизни талашиш бефойда эканлигини тушунишарди.

Орадан бир неча кун ўтгач отасига “Калинин шаҳрига ҳақиқий ота-онамнига бирга борайлик”, – деди. Отаси ўз ҳисобидан таътил олиб, қизини айтган манзилга олиб борди. Уйига Катяниң онаси билан қайтиб келганида Надя “Ойижон!” – деда бегона аёлнинг бўйнига осилиб олди.

Афуски, бу гайриоддий воқеа қайгули якун топди. Орадан 8 йил ўтиб Надя вафот этди. Шифокорларнинг фикрича, бунга мотоциклдан йиқилиб олган жароҳатининг асорати сабаб бўлган. Игорнинг сўзларига қараганда, хотини ҳаётининг сўнгти кунларигача ҳам илгариги ҳаётини эсламаган, Катяниң хотиралари билан яшаб ўтган.


Шундан сўнг Игорь қайтиб уйланмади. Ҳар иккала оила билан ҳам алоқасини узмади. У гарчи художўй одамга айланмаган бўлса-да, Катяниң руҳи ҳамиша атрофида эканини ҳис килади.

Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.



Ута маҳфий

БАФДОД МУЗЕЙЛАРИ ОСОРИ АТИҚАЛАРИНИНГ ТАҚДИРИ




2003 йил 9 апрель
куни америкалик пиё-да кўшинлар зирхли техника ва вертолёт-лар кўмагида Бағдодни эгаллашди. Саддам Хусайн режими ағдарилиди. Ўша куни ёқ шаҳар аҳолисининг кўпчилиги талончиларга айланишиди-қолишиди. Улар лом ва болтлар билан куролланиб, гурух-гурух бўлиб ёки якка-якка дўконлар, хусусий уйлар, мусасаларни талашди. Кўлга илинган нарсаларни олиб кетишиди, қолганини йўқ қилишиди. Америкалик ҳарбийлар бунга аралашишмади, чунки бу борада ҳеч қандай йўл-йўрик, кўрсатма берилмаган эди.

Музейлар ҳам талончилар "этибори"дан четда қолмади. Хусусан, 1923 йилда асос солинган Ироқ ҳалқ музейи катта зиён кўрди. Унда ибтидоий жамоа тузумидан қолган, Вавилон - Оссу-

рия, Парфия, Сосонийлар давлатлари, араб-мусулмон маданиятига тааллуқли ёдгорликлар, санъат асарлари сақланарди. Тахминларга кўра расман рўйхатга олинган 170.000 экспонатдан 30 фойзга яқинигина сақланаб қолди.

Сўнгги пайтларда кишини умидлантирувчи хабарлар ҳам пайдо бўляти. Биринчидан, энг кимматли экспонатларнинг катта қисмини музей ходимлари бинонинг кўздан нари бурчакларига беркитишган, уйларига олиб кетишиган экан! Ироқ-Иордания чегарасида эса америкалик икки журналист кўлга тушиб. Уларнинг юклари ичидан Ироқнинг турли музейларига қарашли қирқдан ор-

ланган музей экспонатларини қидириб топиш, сотилишининг олдини олиш каби масалалар билан шугулланишлари лозим эди. Бу операцияга Интерпол вакиллари ҳам жалб этилди. Натижага тезда кўзга ташланди. Лондондаги Хитроу аэропортида Ироқдан қайтаётган америкалик аскарнинг юклари кўздан кечирилганда олтин суви юргутирилган Калашников автомати, олтига пичоқ-найза, кўлда ясалган карабин ва гранатамёт топилди. Кейинроқ мъялум бўлишибча, буюмлар шахсан Саддам Ҳусайнга тегишили экан! Ироқ-Иордания чегарасида эса америкалик икки журналист кўлга тушиб. Уларнинг юклари ичидан Ироқнинг турли музейларига қарашли қирқдан ор-



тиқ санъат асарлари олинди. АҚШ ҳудудидан ҳам ФТБ ходимлари Ироқдан ноқонуний йўллар билан олиб чиқилган мингдан зиёд буюмлар топишди. Улардан бири ҳатто Нью-Йорқда жойлашган мамлакатнинг энг ийрик Метрополитен музейи кўргазмасига кўйилган эди. "Ироқ озодлиги" операциясини бошлаш олдидан америкалик ҳарбийлар афғон толибонлари ваҳшийликларини ҳатто бехосдан ҳам таракрломоқчи эмасликларини қайта-қайта таъкидладилар.

